110795

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

7 июль, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 129 (1131)

## ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

### ҚИШЛОҚДА КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

***Куни кеча Тошкентда Ислом Каримов раислигида бўлиб ўтган республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идоралараро кенгаш мажлисида қишлоқ жойларда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришнинг аҳволи ва уни жадаллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.***

Мажлисда ўз фаолиятини қишлоқда ташкил этадиган **кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасидаги устувор йўналиш** экани қайд этилди. Зеро, ҳозирги вақтда республика аҳолисининг 61 фоизи ёки 13,8 миллион киши қишлоқ жойларида яшайди. Аҳоли ўсиш жараёни суръатлари сақланиб қолгани ҳолда 2000 йилга бориб бу кўрсаткич 16,1 миллион кишига етади.

Бу вазият ҳозирнинг ўзидаёқ рўй бериши мумкин бўлган ижтимоий тангликнинг олдини олувчи ҳамда қишлоқ жойларда яқин келажакдаёқ аҳолининг турмуш даражасини анча оширишга имкон берувчи янги тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш борасида зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Гарчи мустақилликнинг дастлабки йилларида шўро давридаги 70 йилдагига нисбатан қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш 3-4 баравар кўпайган бўлсада, қишлоқларимиз қиёфаси секин ўзгармоқда, уни эса тадбиркорликни ривожлантириш орқали амалга ошириш мумкин.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотнинг иккинчи босқичида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини жалб этиш мақсадида кичик корхоналар барпо этиш ҳамон долзарб масала бўлиб турибди, деди Ислом Каримов мажлисда. Бошқача айтганда, 3 миллион 600 минг қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатга яроқли одамларнинг деярли 2,2 миллион нафарини бемалол саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтказиш мумкин.

Жаҳон тажрибасига кўра, қишлоқ жойларида кичик бизнесни ривожлантириш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ушбу муаммони ҳал этишнинг энг самарали йўли ҳисобланади. Хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини қайта ишлаш, замонавий ўраш-жойлаш материалларидан фойдаланиш хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистондаги кичик қишлоқ корхоналари маҳсулотларининг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлай олади.

Шу мақсадда республикада кичик ва хусусий безнесни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи зарур ҳуқуқий асос яратилган. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида, республика Президентининг фармонларида, ҳукумат қарорларида кичик ва хусусий бизнесдан солиқ олиш, унга молиявий ёрдам кўрсатиш борасида имтиёзлар бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш, бизнесни ташкил этишда, уни моддий-техника ва хомашё ресурслари билан таъминлаш борасида кўмаклашиш назарда тутилган.

Ана шу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, ҳозирги вақтда халқ хўжалигида 30770 кичик корхона ва кооператив, 20115 хусусий корхона ишлаб турибди, 15,6 минг фермер хўжалиги ташкил этилган, уларга 200 минг гектарга яқин ер биркитилган бўлиб, 67,5 минг киши меҳнат қилмоқда.

Фермер хўжаликларининг тасарруфида 190 минг бошга яқин қорамол, бошқа ҳайвонлар мавжуд. 1995 йилнинг фақат биринчи чорагидагина фермер хўжаликлари томонидан ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан икки баравар кўп гўшт ва сут тайёрланди.

«Маҳаллий саноат» корпорацияси аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга оширмоқда. 1993-1995 йиллар мобайнида корпорация қишлоқ жойларида 200 дан зиёд кичик ва хусусий корхона ташкил этди. Уларда қарийб 11 минг киши меҳнат қилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма томонидан республиканинг 187 туман ва шаҳарида бўлимлар очилди. Қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун ушбу жамғарма томонидан 62 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

Ўтган бир ярим йил мобайнида кичик ва ижара корхоналарига, шунингдек кооперативларга, деҳқон хўжаликларига ва тадбиркорларга жами 1222,3 миллион сўм миқдорида кредит берилди.

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» тизимида қишлоқ тадбиркорларига сервис хизмати кўрсатиш бўйича 160 дан кўпроқ марказ ишлаб турибди, бу ўтган йили фермер хўжаликларига 57 миллион сўмлик механизмлар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш имконини яратди. 174 та майда улгуржи дўконлар орқали қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисмлар, узеллар, бутловчи деталлар сотилди, 24,2 миллион сўмлик турли хизматлар кўрсатилди.

Шунга қарамай, қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам кўп. Бу, аввало, қишлоқ жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши орқада қолаётганида, хусусан, кичик бизнес корхоналари шохобчаларини шакллантириш ғоят суст ва кам самара билан амалга оширилаётганида кўринади.

Ҳудудий ва идоравий бошқарув тузилмалари раҳбарларининг ташаббуссизлиги ва ушбу муҳим давлат вазифасига юзаки ёндашуви қишлоқда кичик ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган асосий сабаблардир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бир қатор раҳбарларнинг ушбу жараён йўлидаги тўсқинликлари кўп жиҳатдан уларнинг эркин, хусусий тадбиркорларнинг янги ижтимоий қатлами шаклланиши билан рақобат муҳити юзага келишидан қўрқиши, янгича шароитларда ўзларининг лаёқатсизлиги ва эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги аён бўлиб қолишидан чўчиши билан изоҳланади.

Вилоятлар ва туманларда янги тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқлар кўп ҳолларда қуйидагиларда намоён бўлмоқда: маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек назорат қилувчи ташкилотлар ходимлари томонидан қишлоқ тадбиркорларининг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашуви ва улар ҳуқуқларининг камситилиши, кичик ва хусусий корхоналарни рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш тўғрисидаги ҳукумат қарорларининг бажарилишига расмиятчилик билан ёндашиши, кўчмас мулк объектларини, айниқса, қурилиши тугалланмаган иншоотларни кимошди ва танлов асосида сотиш тажрибасининг ёйилишига тўсқинлик қилиш, қишлоқ тадбиркорлари ўқувини ташкил этиш даражасининг пастлиги, тадбиркорларга юридик, молиявий ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича махсус фирмаларнинг йўқлиги.

Шу туфайли қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган ишларнинг аҳволи қониқарсизлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Меҳнат ресурсларини тақсимлашнинг ривожланган мамлакатларда қарор топган мақбул тармоқ тузилмасини ҳисобга олиб, меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг камида 50 фоизини хизматлар кўрсатиш соҳасига жалб этишга эришиш зарур.

Бунинг учун нима қилиш керак? Аввало, барчамиз қишлоқ жойларидаги ҳақиқий аҳволни билишимиз, шунга қараб муайян чора-тадбирлар белгилашимиз лозим, деди Президент. Бир мисол келтирай. Кўп жойларда 50 гектар ерга эга бўлган бригадада 100 дан зиёд одам ишлайди. Ҳолбуки, сўраб-суриштирсангиз, ана шу ерга ишлов бериш, ундан ҳосил олиш учун 10-12 ишчи кучи кифоя қилади. Буни ана шу бригада бошлиғи, жамоа хўжалиги раиси биладими? Билади! Лекин, иложи йўқ, одамларни қаерга олсин? Ҳаммаси шу қишлоқда яшаса, қарамоғида 5-6 тадан жон бўлса.

Албатта, бундай аҳволда юқори даромад олиб бўлмайди. Ўша бригадир ёки раисдан бу вазиятдан қандай чиқасиз деб сўрасангиз, ҳосилдорликни оширамиз, дейди. Ҳосилдорликни қанча ошириш мумкин? Бунда мўъжиза кутиб бўлмайди! Қолаверса, катта сарф-харажат, тан-нарх кўтарилиши эвазига оширилган ҳосилдорликдан наф йўқ. Чунки у даромад келтирмайди.

Демак, вазият қишлоқда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни, кўплаб кичик-кичик корхоналар қуришни, сервис-хизмат кўрсатиш соҳаларини йўлга қўйишни тақозо этмоқда, дея таъкидлади Президент.

Аммо бу вазифани ҳал этиш борасида Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Жиззах, Наманган, Хоразм вилоятларида ташкилий ишлар етарли даражада амалга оширилмаяпти. Қишлоқ меҳнаткашларининг бино ва майдонларга эгалик қилиш, уларни касбга қайтадан ўргатиш ва қишлоқ аҳли учун зарур маиший хизмат турларини ривожлантириш масалалари ҳал этилмаяпти.

Қишлоқ жойларидаги бизнесни ривожлантиришнинг муҳимлигини англамаслик, мазкур муаммони ҳал этишдаги лоқайдлик кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш учун жавобгар бўлган айрим вазирлик ва идоралар раҳбарларига ҳам хосдир. Хусусан, давлат мулки қўмитаси ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси ҳанузгача қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни тартибга солувчи яхлит концепцияни ишлаб чиқмаган. Қишлоқ тадбиркорларига турли вазирлик ва идоралар, мамлакатдаги ва хорижий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ёрдамни мувофиқлаштиришни амалга ошириш принципларини аниқламаган.

Ҳокимликлар, вазирликлар, катта-катта ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари шуни тушуниб етиши керакки, **одамларни қишлоқдан завод ва фабрикаларга эмас, балки саноатни одамлар ҳузурига — қишлоққа олиб бориш керак!** Бунда 20, 60 миллион доллар турдаги гигант фабрикалар эмас, балки **ихчам, керак бўлганда ишлаб чиқарадиган маҳсулоти турини тез ўзгартира оладиган корхоналар қуришга аҳамият бериш лозим.**

Қишлоқ бизнесини молиявий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш шакллари ва банк хизмати кўрсатиш тажрибаси бу тузилмаларда жиддий норозиликлар келтириб чиқармоқда.

Қишлоқ тадбиркорларининг кўплаб асосли лойиҳалари ва истиқболли ташаббуслари зарур молиявий ресурслар ва амалий қўллаб-қувватлаш тизимининг йўқлигига дахлдор бошқа сабаблар туфайли амалга оширилмай қолиб кетмоқда.

Бу қишлоқларда кичик ва ўрта бизнесни сармоя билан таъминловчи давлатга қарашли бўлмаган кучли жамғарма ташкил этишни тақозо қилмоқда.

1994-1995 йилларда республикада 1715 та хусусий корхона, шу йилнинг биринчи чорагида эса Навоий, Жиззах, Наманган, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 287 фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатган. Рўйхатга олинган кўпгина корхоналар ишламаяпти. «Ўзтадбиркорбанк» бўлимларида 1995 йил мобайнида рўйхатга олинган 6,3 минг кичик ва хусусий корхона ҳисоб-китоб счётида ҳеч қандай операция амалга оширилмаган.

Солиқ сиёсатини амалга оширишда кичик ва хусусий корхоналар ҳуқуқларини камситишга йўл қўйилмоқда. Бунинг устига солиқ тизими жуда мураккабдир. Тадбиркорлар солиқ тўлаш масалаларини яхши фарқлай олмайдилар, шу сабабли уларнинг кўплари ўзларига берилган солиқ соҳасидаги ва бошқа имтиёзлардан фойдалана олмаяптилар.

Кўп ҳолларда моддий-техника ресурсларини олишда тадбиркорлар билан давлат корхоналари ўртасидаги тенг ҳуқуқликка риоя қилинмаяпти.

Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларнинг раҳбарлари йирик корхоналарнинг маҳаллалар билан узвий алоқасини таъминлайдиган янги ташкилий шаклларни яратиш, қишлоқ жойларда бу корхоналарнинг бўлимлари ва цехларини ташкил этиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўрмаяптилар.

Шаҳарларда жойлашган хусусий корхоналар маблағларини қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга жалб қилиш учун яратилган механизм деярли ишламаяпти.

Муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари нималардан иборат? Аввало вилоят ва туман ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари республика ҳукумати томонидан қишлоқ жойларидаги кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган барча ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилиши учун масъулиятни кучайтиришлари ва талабчанликни оширишлари керак.

Бунда буйруқбозлик, сансалорлик ва порахўрлик ҳолатларига барҳам беришга, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳамда кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида ички имкониятларни қидириб топишга, тадбиркорларга юридик, ахборот ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи маслаҳат фирмаларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Бу камчилик ва нуқсонларни тугатиш, тадбиркорлар йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш доимо бизнинг диққат марказимизда турибди ва бунга қатъият билан эришамиз, деди Ислом Каримов. Лекин масаланинг яна бир муҳим жиҳати борки, бу ҳақда алоҳида тўхталмоқ зарур. Гап одамларни, айниқса **қишлоқ аҳлини, ёшларни боқимандалик кайфиятидан халос этиш, уларда тадбиркорлик, ишбилармонлик иштиёқини уйғотиш, бошқача айтганда, уларга ана шу «касаллик»ни «юқтириш» хусусида кетяпти. Балки, бу борада тиббий тил билан айтганда, «эмлаш» чораларини кўриш лозим бўлар.** Хуллас, бозор муносабатлари соҳасидаги саводсизликка барҳам бериш, ҳамма бозор илмини эгаллаши лозим. Демокчиманки, токи ҳар бир одам кўнглида катта-катта ишлар қилиш менинг ҳам қўлимдан келади, деган ишонч зуҳур бўлмас экан, ҳар бир одам яратувчанлик, ҳалол даромад топиш, бойиш ишқи билан ёнмас экан — қишлоқда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қийин бўлади. Қишлоқ хўжалигида, ерда банд бўлган ишловчиларнинг 90 фоизини шу йўл билан бошқа соҳаларга ўтказмас эканмиз, қишлоқда ислоҳот кўнгилдагидек натижани бермайди, дея таъкидлади Президент.

Бунинг учун эса Японияидагидек тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи, рағбатлантирувчи тизим барпо этиш зарур. Бундан ташқари, қишлоқлардаги ҳеч кимга кераксиз тракторчилар тайёрлайдиган юзлаб билим юртларини ёшларни бозор муносабатлари шароитида ишлаш ва яшашга ўргатадиган билим масканларига айлантирмоқ даркор. Республика Меҳнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги бу борада амалий ишга ўтиши керак. Айниқса, сервис хизматини йўлга қўйишга алоҳида аҳамият бериш, аҳоли қўлида қолиб кетаётган пул маблағларини шу йўл билан олиш, уларни оборотга киритиш — муҳим масаладир. Республикада «Ер банки» ташкил этиш фурсати ҳам етди, деб ўйлайман. Ана шу тадбирларни амалга оширсак, қишлоқ аҳлини, ёшларни бу янги ишларга жалб эта олсак, уларни қўллаб-қувватлаб турсак, иншооллоҳ, қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотлар ҳам ўз самарасини беради, деди Президент. Фақат дадил ҳаракат қилиш керак. **Бундан 2-3 йил илгари нефть, ғалла мустақиллигига эришамиз деганимизда, яширишнинг ҳожати йўқ, кўпчиликка бу тоғдай улкан, оғир вазифа бўлиб туюлган эди. Лекин дадил ҳаракат қилиб уддасидан чиқдик-ку!** Ҳозир қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш ҳам биздан шундай саъй-ҳаракат қилишни тақозо этмоқда.

Кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг ягона, комплекс сиёсатини юргизиш, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, турли фондлар ва бошқа ташкилотлар фаолиятларини мақсадга йўлланган тарзда мувофиқлаштириш учун Давлат мулки қўмитаси марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари таркибида мустақил бўлинмалар ташкил этилиб, кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш масалаларини ҳал этиш улар зиммасига юклатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қишлоқ жойларда рақобат қила оладиган корхоналарни ташкил этишнинг барча мураккабликларини ва республика қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилишда қишлоқда кичик тадбиркорликни ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг ўта муҳимлигини назарда тутиб, бу тоифадаги корхоналар учун уларнинг жадал шаклланишлари ва ривожланишларини рағбатлантирувчи бир қатор қўшимча имтиёзларни назарда тутмоқ керак.

Қишлоқ жойлардаги тадбиркорларга юридик, техник, молия ва бошқа масалаларни ҳал этишларида ёрдам бериш мақсадида консалтинг (маслаҳат) фирмалари тармоғини ташкил этиш, Давлат мулки қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳудудий бўлинмалари зиммасига уларга ахборот ёрдами беришни юклаш лозим.

Ҳозирги кунда 70 дан ортиқ вазирлик, идора, ташкилот ва муассаса аҳолига ҳар хил турдаги хизматларни кўрсатмоқда. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бу йўналишдаги сиёсатни муваффақиятли юргизиш мақсадида қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш концепциясини республика иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги талабларини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқиш лозим.

Бу концепцияда коммунал, маиший, тузатиш-қурилиш, сервис хизматлари ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турларини комплекс ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий, молиявий ва моддий-техник шароитларини яратиш, шунингдек, қишлоқ аҳолисини хизмат кўрсатишнинг бу соҳадаги ишга касбий қайта йўллаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш масалалари қамраб олиниши керак.

Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни кучайтириш мақсадида йирик корхоналарнинг улар атрофидаги маҳаллалар билан ҳамкорликларини йўлга қўйиш лозим. Бу мақсадда дастлабки босқичларда тажриба тариқасида «Корхона — маҳалла» тусидаги махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ўринлидир. Шунингдек, қишлоқ жойларда йирик корхоналар бўлимлари тармоғини ташкил этиш тажрибаси ҳам кенг жорий қилиниши керак.

Кичик ва ўрта бизнесга мўлжалланган кредит маблағларни ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жуда суст суръатларда ажратмоқда. Бу кредит ресурсларидан фойдаланишни кўриб чиқадиган кенгаш ташкил этиш зарур.

Нега Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ажратган 60 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитдан фойдаланиш чўзилиб кетмоқда? Сабаб шуки, бизда ана шу кредитни олувчилар аниқланмаган. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки қошида шундай кенгаш тузилса, бу ишлар анча тезлашган бўлур эди.

Мажлисда сўзга чиққанлардан айримлари тадбиркорлар фаолиятини давлат бошқарса, деган истак билдиришди. **Йўқ, деди Ислом Каримов биз амалга ошираётган ислоҳотнинг асосий моҳияти мулкни, исқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, сиёсатдан халос этиш эмасми? Бу йўлдан ортга қайтиб бўлмайди.** Бизда ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири — давлатнинг мазкур даврда бош ислоҳотчи бўлишидир. Лекин бу иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни, тадбиркорлик фаолиятини давлат бошқаради, дегани эмас. Давлат уларнинг самарали ишлаши учун шароит яратиб беради. Қонунлар, солиқлар орқали уларни аниқ мақсадларга йўналтириб туради, керак бўлганда манфаатларини ҳимоя қилади, дея таъкидлади Президент.

Шу маънода, республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича махсус қонун ишлаб чиқиш зарурати бор, деб ўйлайман. Шунингдек, тадбиркорлар оладиган кредитлар учун имтиёзли кафолатлар берадиган суғурта компанияси, ана шу кредитларни йўналтириш бўйича лойиҳалар тайёрлайдиган «Ўзбексармоялойиҳа» компанияси ташкил этиш керак.

Бизнинг барча ҳаракатларимиз моҳиятан Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришишга қаратилган, деди Президент пировардида. Қишлоқни юксалтирмасдан, халқ хўжалигининг бу соҳасини ўзгартирмасдан, ана шу улуғ мақсадга восил бўла олмаймиз. Ҳар биримиз бу ҳақиқатни дилга жо этиб яшамоғимиз, меҳнат қилмоғимиз, курашмоғимиз даркор.

**Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ.**
**(ЎзА).**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



*СУРАТДА: қабул пайти.* **Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.**

6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси вице-президенти Ерик Асанбоев бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги, жумладан, маданий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этар экан, мамлакатимизда машҳур қозоқ оқини Абайнинг 150 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар ўтказилаётгани халқларимиз дўстлиги ва биродарлигини янада мустаҳкамлашини таъкидлади.

Е. Асанбоев қозоқ алломасига Ўзбекистонда кўрсатилаётган юксак эҳтиром халқларимиз маънавиятининг ягона илдизга туташлигидан дарак берибгина қолмай, улар бугун ҳам бир танадан озиқланаётганини намойиш этишини айтди. У бу хил тадбирлар мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорлик истиқболини таъминлашда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов иштирок этди.

***

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг МДҲга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик бўйича вазири ўринбосари Герман Кузнецовни ҳам қабул қилди.

Қабул чоғида Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, МДҲ мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Ислом Каримов Ўзбекистон ҳукумати бу борадаги ташаббусларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН БУЮК АБАЙ ЮБИЛЕЙИНИ НИШОНЛАМОҚДА

***6 июль куни Тошкентда Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида буюк қозоқ ёзувчиси ва мутафаккири, қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси Абай Қўнонбоев туғилган куннинг 150 йиллиги тантанали нишонланди. Юбилей тантаналарида иштирок этиш учун Ўзбекистон пойтахтига Қозоғистоннинг вице-президенти Ерик Асанбоев бошчилигидаги шу республика делегацияси келди.***

***Кечани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов очди.***

Кечада сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов ва Қозоғистон Республикаси вице-президенти Е. Асанбоев Ўзбекистон диёрида буюк қозоқ фарзанди юбилейининг байрам қилиниши кўп асрлар давомида бир хонадонда — Туркистон диёрида яшаётган, ҳозир мустақилликка эришиб, иқтисодий қийинчиликларнинг оғир шароитида фаровонлик, умумий хонадонимизда тинчлик ва тотувлик сари ёнма-ён қадам ташлаётган Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари ўртасида тарихий таркиб топган дўстликнинг ёрқин далили эканини таъкидладилар.

А. Муталов билан Е. Асанбоев ўз нутқларида қозоқлар диёрида яқинда бўлиб ўтган учрашув, май ойида чинакам дўстлик ва биродарлик баҳори муҳитида ўтган Ўзбекистон кунлари ўзбек ва қозоқ халқлари хотирасида абадий сақланиб қолишини айтдилар.

Қозоғистон вице-президенти юбилейи тантанали равишда нишонланаётган қозоқ халқининг буюк фарзанди суратини ўзбек халқига совға сифатида топширди.

Кеча катта байрам концерти билан тугади. Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон ижодий жамоалари, Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театри ва Абай номидаги қозоқ опера ва балет театри артистлари иштирок этишди.

***

Шу куни тантанада иштирок этиш учун келган вице-президент Е. Асанбоев бошчилигидаги Қозоғистон делегацияси буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Алишур Навоийнинг Тошкентдаги ҳайкали пойига гул қўйди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори*

## АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда тиббиёт фани ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини ҳисобга олиб, ўзбек жарроҳлик мактабининг асосчиларидан бири академик Восит Воҳидов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тиббиёт жамоатчилигининг республика жарроҳлик илмий марказига академик В. Воҳидов номини бериш ҳақидаги таклифи маъқуллансин ва бу тиббий маскан бундан буён «Академик В. Воҳидов номидаги республика жарроҳлик илмий маркази» деб аталсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Маданият ишлари вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда республика жарроҳлик илмий маркази биносига академик В. Воҳидов сиймоси туширилган мемориал лавҳа ўрнатсинлар.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги пойтахт кўчаларидан бирига академик В. Воҳидов номини бериш масаласини кўриб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фанлар академияси ҳар йили республика жарроҳлик илмий марказида жарроҳликнинг долзарб масалалари бўйича «Воҳидов ўқишлари» — республика илмий-амалий анжуманини ўтказсинлар.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий масалалар ва маданият бўлимига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**
**Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 июль.

## ХАЛҚАРО ИНСТИТУТ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

ЮНЕСКО ташаббуси билан Самарқандда ўтган Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этиш таъсис конференцияси ғоят самарали бўлди. У қадимий шаҳарда нуфузли илмий муассасани ташкил этиш билан якунланди. Хитой, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Корея Республикаси, Покистон, Россия, Тожикистон, Туркия, Франция, Эрон ва Ўзбекистон давлатлари вакиллари бу ҳақдаги шартномага имзо чекдилар.

Анжуман доирасидаги дастлабки учрашувда ЮНЕСКОнинг маданий алоқалар бўйича дастури директори Д. Диен ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, конференция президенти этиб сайланган С. Саидқосимов Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгалигини, у халқларнинг бой ўтмишини ўрганиш билан бирга, муассис мамлакатларнинг ўзаро алоқаларини янада ривожлантиришга кўмаклашишини таъкидладилар.

Таъсис конференцияси давомида анжуманнинг бош масаласи — институт низоми лойиҳаси атрофлича муҳокама этилиб, қўшимчалар билан қабул қилинди. Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтини очиш ҳақидаги аҳднома имзоланди.

5 июль куни халқаро институт бош ассамблеясининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда бош ассамблея раҳбарияти сайланди. Институт фаолиятининг йўналишлари белгиланди. Уни маблағ билан таъминлаш масалалари келишиб олинди. Ўзбекистонлик таниқли тарихчи олим Ашраф Аҳмедов Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтнинг директори этиб тайинланди.

Шу билан таъсис конференцияси ўз ишини якунланди.

**(ЎзА).**

## ЭНГ БУЮК БОЙЛИГИМИЗ — ҚАРДОШЛИГИМИЗДИР!









Туркия Республикаси Бош вазири
муҳтарама
ТАНСУ ЧИЛЛЕР хонимнинг
Ўзбекистон Республикасига
зиёрати ҳар иккала давлат халқлари учун
бахт ва саодат келтиришини тилаймиз!

FIRMA
DEMIR


# ФАН ТАРАҚҚИЁТИ — ИСТИҚБОЛ ЗАМИНИ

## Республика Фанлар академиясида бўлиб ўтган сўнгги сайловлар ҳақида ўйлар

***Ўзбекистонни жаҳондаги ривожланган мамлакатлардан бирига айлантириш бугунги кунда олдимизда турган асосий вазифадир. Юртимизда яшаётган халқлар ўртасидаги аҳиллик, дўстлик, ҳамкорлик ва тотувлик барқарор бўлиб турган соғлом ижтимоий-сиёсий вазият, республика раҳбарияти олиб бораётган оқилона, адолатли сиёсат ҳам ушбу мақсадга эришишнинг асосий омилларидан бири.***

Айни пайтда тараққиётимизнинг маънавий заминини барқарорлаштириш учун жуда кўп ишлар қилинмоқда. Ўтмиш меросини чуқур ўрганиш, ўзлаштириш ва ривожлантириш, фуқароларнинг диний эътиқоди, иймони ва ихлосини мустаҳкамлаш, тижоратчиликка кенг йўл очиш, халқимизнинг бу борадаги тарихий тажрибаси ва малакаларидан кенг фойдаланиш ҳам тараққиётимизга ижобий таъсир этади, унинг имкониятларини кенгайтиради. Лекин биз Ўзбекистоннинг порлоқ келажагига фақат тижорат дўконларининг эшиги-ю, масжидларнинг дарвозасидагина кириб бормаймиз. Келажак тақдиримизга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган асосий омил — фан, техника, маданият, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар борасидаги янгиликлар ва ютуқларни кенг кўламда ўрганиш, ривожлантириш, ҳаётга жорий этишдир. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар фан ва техника тараққиётига кенг йўл очиб, бу соҳада самарали, ижодий ишлай оладиган мутахассисларни тарбиялаб, тараққиётнинг ҳозирги босқичларига етиб келдилар.

Фан ва техникани ривожлантириш, етук, ижодий тафаккур салоҳиятига эга бўлган олимлар, мутахассисларни тарбиялаш борасида бошқаларга қарам бўлиб қолган мамлакатлар ўзларининг иқтисодий, сиёсий мустақиллигини ҳам мустаҳкамлай олмайди. Шу сабабли ҳукуматимиз фан ва техниканинг асосий замонавий йўналишларини ривожлантириш, бу соҳалар бўйича малакали мутахассисларни тарбиялаш масалаларига катта эътибор бериб келмоқда. Республикамиз илмий салоҳиятининг маркази бўлмиш Фанлар академияси фаолиятига катта эътибор берилаётгани, янги илмий тадқиқот институтлари, Олий ўқув юртлари очилиши ҳам бу соҳадаги муҳим қадамлардан бири.

Республика Президенти фан ва техника тараққиёти мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни жаҳондаги ривожланган мамлакатлардан бирига айлантиришнинг ҳал қилувчи омили эканини кўрсатиб ўтгани ҳаммамизга маълум.

Ўтган йили Фанлар академиясининг янги Низоми қабул қилиниши, шу йил июнь ойида академиянинг янги аъзолари сайланиши фан, техника тараққиётига, илмий ходимларни танлаш ва тарбиялашга нисбатан бўлган янгича муносабатнинг кўринишидир. Бу борадаги давлат сиёсати заминида қанчалик оқилона, узоққа мўлжалланган режалар ётганини ҳозир тобора тўлароқ тушуниб етмоқдамиз.

Мен чорак асрга яқин вақт мобайнида республика Фанлар академиясининг мухбир ва ҳақиқий аъзоси бўлиб келдим. Очиғини айтсам, Совет тузуми даврида республикамизда фан ва техника ривожланиши, истеъдодли илмий ходимларни танлаш ва тарбиялаш ишига бундай катта эътибор берилганини билмайман. Ҳеч қачон Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига бирданига 33 ўрин берилиб, сайловлар демократик, адолатли тарзда ўтказилган эмас.

Бўлиб ўтган сайловда ажратилган ўринлар жаҳон фани тараққиётининг ҳозирги кундаги асосий йўналишлари, республикамиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ривожланишининг долзарб вазифалари асосида белгиланди.

Номзодларни кўтариш ва танлаш учун белгиланган мезонлар ҳам тўғри ва адолатли бўлди.

Ўзбекистонда юқори илмий даражага эга бўлган олимлар кўп. Лекин уларнинг барчаси ҳам академик ёки мухбир аъзо, деган юксак номга сазовор бўла олмайди, албатта. Бунинг учун олимлар фанни биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган кашфиётлар билан бойитиши, кенг илмий жамоатчилик томонидан тан олинган мактаблар яратиши, керакли миқдорда етук илмий кадрлар тарбиялаши зарур. Демак, танлов ва сайлов вақтида гап даъвогарнинг шахсияти устида эмас, балки унинг жамоатчилик тан олган илмий салоҳияти ҳақида боради.

Бундан ташқари, танлов сайлов мезонларига ҳар бир даъвогарнинг Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин тараққиётимиз суръатларини тезлаштириш билан боғлиқ бўлган илмий-назарий, амалий масалаларни ҳал этишга қўшган ҳиссасини аниқлаш масаласи ҳам киритилди. Бу мезон барча фанлар учун, биринчи навбатда, ижтимоий фанлар учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Собиқ Иттифоқ даврида илмий изланишлар олиб борган кўплаб олимлар мафкуравий тазйиқ остида бўлди, сиёсий кўрсатмалар, партиявийлик, синфийлик мезонлари доирасидан чиқолмаганлар. Бу ҳол уларнинг илмий, ижодий салоҳиятига ҳам таъсир этди. Шу сабабли эски тузум даврида жамиятшунос олимлар ёзган асарларида олдинга сурилган кўплаб ғояларни холисона, виждонан айтилган фикрлар, деб тан ололмаймиз. Бу ҳолларга олимларнинг ўзи эмас, балки уларнинг илмий, ижодий салоҳиятини чеклаб, чегаралаб қўйган ижтимоий, сиёсий вазият сабабчидир. Ҳозир кўпчилик жамиятшунос олимлар тоталитар тузум шароитида қандай хато ва бирёқламаликларга йўл қўйганини тўлароқ тушуниб етмоқдалар. Шу сабаб ҳам сўнгги сайловларда жамиятшунос олимларнинг яқин ўтмишда ёзган, нашр этган асарларининг сони илмий истеъдод ва салоҳият даражасини белгилайдиган яккаю ягона мезон деб қаралмади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганига яқинда тўрт йил тўлади. Бу вақт мураккаб ва масъулиятли бўлди. Ўтиш даври, мустақилликнинг янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган мураккаб ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий муаммолар оммамиз олдига ҳам янги вазифалар қўйди. Ватан тараққиёти, халқ манфаатлари йўлида илмий, ижодий ишларни масъулият билан олиб бориш мамлакатимизда ўтказилган ва ўтказиладиган кенг қамровли ислоҳотларга назарий асос бўлиши шубҳасиздир.

Тан олинган тараққиёт йўли, ҳеч шубҳа йўқки, кутилган самарани беради. Бинобарин, мустақил тараққиётимизнинг назарий асосларини ўрганиш соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишлари ҳам ҳеч вақт бир чегарада тўхтаб қолмайди. Илмий изланишлар тўхтаган жойда турғунлик буҳронлари ҳукм суради. Ҳозир олимларнинг тилида эмас, балки дилида, иймон ва эътиқодида, масъулиятни ҳис қилишида, тафаккур услубида янгиланиш, покланиш содир бўлмоғи керак. Бу эса ҳар бир илмий салоҳият соҳиби мустақил тараққиётимизнинг туб вазифалари билан боғлиқ бўлган илмий, назарий-амалий муаммоларни ҳал этишга қўшган ҳиссасида намоён бўлади. Ўтмишда номи улуғ, лекин сўнгги тўрт йил ичида илмий ва амалий жиҳатдан бирор-бир самарали иш қилмаган олимлар ҳам орамизда учраб туришини инкор этиб бўлмайди. Ҳозир четда томошабин бўлиб турадиган ёки айрим сиёсий ақидаларни тўтиқушдек такрорлайдиган давр эмас.

Мустақилликка эришганимизга қадар бўлган сайловларда ҳақиқий ва мухбир аъзоликка даъвогар бўлганларнинг тақдирини ҳал қиладиган асосий поғона академиянинг умумий мажлиси эди. Академия илмий бўлимлари томонидан кўрсатилган бир неча номзод яширин овоз бериш йўли билан асосан шу мажлисда сайланарди. Сайлов ўтказиш тартибининг бу услубида катта камчиликлар бўлганидан кўз юмиб бўлмайди. Умумий мажлис аъзолари фаннинг турли соҳалари бўйича мутахассис бўлиб, айрим мураккаб илмий муаммоларни етарли даражада тушунмаслиги жиддий хатоларга олиб келарди. Кўпчилик субъективизм, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик билан боғлиқ кайфиятлар сайлов натижаларига таъсир этарди. Натижада истеъдодли, истиқболли ёш олимлар четда қолиб кетарди...

Халқимизда югурганники эмас, буюрганники деган нақл бор. Лекин сўнгги сайловларда бахт ҳақиқий олимларга, фанимизнинг жонкуяр фидойиларига кулиб боқди.

Бўлимларда даъвогарларнинг илмий маърузалари шу соҳалар бўйича етук мутахассис бўлган олимлар иштирокида тингланди.

Албатта, Фанлар академиясига сайлов ўтказишнинг тажрибаси яна ҳам такомиллашиб боради. Бирор усулни мутлоқ ҳақиқат, деб эътироф этиб бўлмайди.

Фан бўлимлари академия умумий мажлисига ҳар бир ажратилган ўрин учун биттадан номзодни таклиф этди. Бу ҳолни бир ёқлама тушуниб, демократиянинг чекланиши, деб таърифлаб бўлмайди. Сайлов демократияси ҳар ким ўз манфаатидан келиб чиқиб, хоҳлаган ишини қилиши эмас. Демократия манфаатдан ташқари бурч, масъулият, етук маънавият билан олдидаги масъулиятни виждон тарозусига солиб, кўпчилик мутахассислар билан келишиб, адолатли қарорга кела билишдир. Бу ишда хатога йўл қўйилса, унинг оқибати яхшиликка олиб келмайди. Фанлар академияси аъзолигига тасодифий олимлар сайланиб қолса, улар, ўзларининг қўлидан бирор иш келмаслигидан ташқари, бошқаларнинг, айниқса, истиқболли ёшларнинг ҳам йўлини тўсади. Бундай олимлар хорижга бориб илмий изланишларда, анжуманларда иштирок этсалар ҳам халқимизга, мамлакатимизга обрў-эътибор келтирмайди. Хориждаги жамоатчилик олимларимизнинг илмий салоҳиятига қараб мамлакат ва миллатимизнинг маънавий камолоти даражасига баҳо беради.

Академиянинг умумий мажлисида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижалари яхши бўлди. Бўлимлар томонидан кўрсатилган барча номзодлар республика Фанлар академиясининг ҳақиқий ва мухбир аъзолигига сайландилар.

Бунда олимларга ҳеч қандай тазйиқ кўрсатилмаганлигини ҳам айтиб ўтмоқ керак. Академия аъзолигига, энг муносиб, фан ва техникани ривожлантириш, амалда самарали қўллаш, Ўзбекистон фани довруғини жаҳонга ёйиш имконига эга бўлган кишилар сайланди.

Академия аъзолари сафига кўплаб ёш, истеъдодли олимлар қўшилиши айниқса қувонарлидир. Ёшлар, фанимизнинг истиқболи, эртанги кунидир. Ўз келажаги ҳақида жиддий ўйлаган мамлакатгина ёшларга кенг йўл очади, уларнинг истеъдоди учун имкониятлар яратиб беради. Ўтган сайловларда академиянинг ҳақиқий, мухбир аъзолари сафига кирган ёшлар Ўзбекистон фани обрўсини янада кўтаришда республикамиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшишларига ҳеч шубҳа йўқ.

Сайлов натижалари Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган адолатли миллий сиёсатнинг халқимизга хос бўлган инсонпарварлик эътиқодининг моҳиятини яна бир бор намоён этди.

Олимларга кўрсатилаётган ғамхўрлик биз учун имтиёзгина эмас, балки катта масъулият ҳамдир. Фан ва техника тараққиёти, етук мутахассислар тайёрлаш, олимларнинг ишлаш ва яшаш шароитларини яхшилаш учун янги имкониятлар яратилиши шубҳасиздир. Бугун барчамиз аҳил бўлиб, қўлни қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб ишламоғимиз керак. Илғор фан ва техника ютуқларига таянган, халқи, биринчи навбатда, зиёлилари аҳил ватанпарвар бўлган мамлакатгина буюк давлат бўла олади.

**Эркин ЮСУПОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси.**

